



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 3 февраль, № 24 (7804)

Чоршанба

Сайтимица ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

### АФҒОНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 февраль куни Афғонистон Ислам Республикасининг делегацияси — мамлакат ташқи ишлар вазири Муҳаммад Ҳаниф Атмар ва Президент Администрацияси раҳбари Муҳаммад Шокир Коргарни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари учрашувни очар экан, икки томонлама муносабатларнинг бугунги суръатини сақлаб қолиш ва олий даражада аввал эришилган келишувларни амалга ошириш муҳим эканини алоҳида таъкидлади.

Афғонистон делегацияси аъзолари Ўзбекистон Президентига кўрсатилган самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Афғонистон Президенти Ашраф Ганининг саломи ва эзгу тилаklarини етказдилар.

Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган қатъий саъй-ҳаракатлари учун чуқур миннатдорлик билдирилди.

Тошкент шаҳрида етакчи халқаро молиявий институтлар раҳбарлари иштирокида ўтган Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича уч томонлама ишчи гуруҳ биринчи ййгилишининг самарали янқуларни юксак баҳоладди.

Томонлар ушбу лойиҳани тез фурсатда тайёрлаш ва амалга оширишни бошлаш, қабул қилинган "Йўл харита"си асосида хорижий ҳамкорлар ва салоҳиятли инвесторларни фаол жалб қилиш муҳим эканини таъкидладилар.

Бундан ташқари, учрашувда кўп қиррали Ўзбекистон — Афғонистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Бу борада сўз юритилганда, аввало, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва уни яқин йилларда қамда 2 миллиард долларга етказиш учун кулай шароитлар яратиш, санаят, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва логистика соҳаларида кооперацияни кўчатириш, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида муҳим дастурларни амалга оширишни қайд этиш лозим.

Учрашувда олий ва юқори даражадаги бўлажак тадбирлар ва мулоқотлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБ ЙЎЛЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлариغا

Жаноби Олийлари!

Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини чин дилдан қутлашга ижозат бергайсиз.

Покистон ва Ўзбекистонни маданият, дин ва анъаналар муштараклигига асосланган яқин муносабатлар боғлаб турибди. Бизнинг тарихий ва тамаддуний алоқаларимиз миллий ўзгиримизнинг ажралмас қисмидир. Халқимиз Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида чуқур эҳтиром билан қарайди.

Мамлакатларимиз тараққиёти ва равнақи учун биз икки томонлама савдо муносабатларини кенгайтиришимиз ва иқтисодий шерикликни мустаҳкамлашимиз лозимлигига қатъий ишонаман. Минтақамиз улкан инсоний ва табиий ресурсларга эга. Барча соҳаларда минтақавий ўзаро боғлиқликни кўчатириш мақсадида иқтисодийларимизнинг бир-бирини ўзаро тўлдириб туришида самарали фойдаланишимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегациясининг 2020 йил сентябрь ойида Покистонга ташрифи чоғида Савдо-иқтисодий масалалар бўйича қўшма ишчи гуруҳ тузиш ва яқин орада унинг биринчи ййгилишини Тошкент шаҳрида ўтказиш тўғрисида келишувга эришилган эди.

Менинг савдо ва инвестициялар бўйича маслаҳатчимнинг Ўзбекистонга ташрифи давомида икки томонлама савдо масалалари билан бир қаторда темир йўл коридорларини ривожлантириш, банк соҳасида, иқтисодий ва инвестициявий йўналишлардаги ҳамкорликнинг истиқболлари кўриб чиқилишини мамнуният билан қайд этмоқчиман.

Ушбу ташриф умумий мақсадлар сари янада олға қадам ташлашимиз учун янги имкониятларни очди.

Мен икки томонлама муносабатларнинг бутун салоҳиятини ишга солишнинг қатъий тарафдориман.

Сизга Аллоҳ таолодан сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига эса бардавом тараққиёт ва равнақ ато қилишни сўраб қоламан.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Имрон ХОН,

Покистон Ислам Республикаси Бош вазири

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 февраль куни Покистон Ислам Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси Абдул Раззоқ Довудни қабул қилди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари икки мамлакатнинг амалий ҳамкорлигини изчи кенгайтиришга хизмат қилаётган фаол мулоқотлар ва алмашинувлар, пандемияга қарамасдан, да-

вом эттирилаётганини таъкидлади. Товар айирбошлаш ҳажми ортиб, етакчи компанияларнинг қўшма кооперация лойиҳалари сони кўпайиб бормоқда.

Абдул Раззоқ Довуд Ўзбекистон Президенти билан учрашув ташқи этилгани учун самимий миннатдорлик билдирди ҳамда Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг

саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Маслаҳатчи Афғонистон ҳудуди орқали Марказий ва Жанубий Осиёни энг қисқа йўл билан боғлайдиган, Покистоннинг денгиз портларига чиқишни ва уларнинг инфратузилмаси самарали ишга солинишни таъминлайдиган темир йўл қуриш лойиҳасини илгари суриш тўғриси-

даги ташаббус Покистонда юксак баҳоладди, қўллаб-қувватланаётганини қайд этди.

Икки томонлама иқтисодий муносабатларнинг бошқа долзарб масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Автомобиль ва ҳаво транспортида юк ташишларни ривожлантириш имкониятларини кўриб чиқиш, преференциал савдо тўғрисидаги би-

тимни тайёрлаш, божхона иши соҳасида тажриба алмашиш, ишбилармонлар ўртасидаги мулоқотни фаоллаштириш ва ишбилармонлик тадбирларини ўтказиш юзасидан келишувларга эришилди.

Олий ва юқори даражадаги бўлажак учрашув ва мулоқотлар режаси келишиб олинди.

Ў.А.

## ТРАНСАФҒОН ТЕМИР ЙЎЛИ: ЕВРОПА ВА ОСИЁНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Тошкентда 2 февраль куни йирик халқаро молиявий институтлар раҳбарлари иштирокида Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон уч томонлама ишчи гуруҳнинг биринчи ййгилиши бўлиб ўтди.



## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 февраль куни мамлакатимиздаги сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашди.

Очиқ мулоқот чоғида партияларнинг жамиятимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш масалалари, бугунги кунда улар олдида турган асосий вазифалар ҳақида атрафлича фикр алмашилди.

Давлат ва жамият ҳаётига доир кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда, халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда сиёсий партияларнинг ўрни катталиги таъкидланди.

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий-ижтимоий соҳаларни қамраб олган кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борадаги ишларнинг ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашларга улкан масъулият юклайди.

Учрашувда ижтимоий соҳалар, айниқса, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Сиёсий партиялар ўз депутатлари орқали жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиши, уларнинг ечимини бўйича таклифлар бериши, айниқса, таъсирчан

парламент ва жамоатчилик назоратини олиб бориши муҳимлиги қайд этилди.

Партиялар ўз электорати, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва нурунийлар билан ишлаш, уларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлашга қўмақлашиши зарурлиги ҳақида яқдил фикр билдирилди.

Ҳар бир партия ўз дастурий мақсадларини парламентга фаол олиб чиқиши, ўз фракциялари орқали қўнунчилик ташаббусларини илгари суриши ва қўнунлар ижросини таъминлашни назоратга олиши зарурлиги ҳақида фикр алмашилди.

Мулоқот жараёнида сиёсий партиялар фаолияти бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда чуқур таҳлил қилиниб, уларнинг ишини такомиллаштириш ва самарасини ошириш бўйича фикр-мулоҳазалар, амалий таклифлар билдирилди.

Учрашувда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, Халқ демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси ҳамда Экологик партия, Олий Мажлис Сенати ва Қўнунчилик палатаси раҳбарлари иштирок этди.

Ў.А.

Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## БЕШИНЧИ УСТУН

Миллий ўзлик, миллий рух, миллий гурур, ватанпарварлик, фидойилик, юксак билим. Ҳар бир соҳа тараққиёти кишиларда ушбу фазилатларнинг қанчалик мустаҳкам қарор топганига бевосита боғлиқ.


Ҳўш, ушбу улғувор тушунчаларнинг мазмун-моҳияти қандай? Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга кўчаётган мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида буюк қудратга эга бўлган мазкур хислатлар халқимиз тийнатида, ёшларимиз шуурида, онгу қалбида қандай шакллантирилади? Мулоҳазаларимиз шулар ҳақида.

### Тил ва миллий рух

Бугун қўлланаётган тилимиз — замонавийлашган ва бошқа тиллар ҳисобига бойиш билан бирга, уларнинг қонуниятлари хийла таъсир қилган тилдир. Бошқача айтганда, отаси "Кўчага дўппи киймасдан чиқма, болам", деганига қарамай, бошига кепка кийиб олган ўсмир ҳолатини эслатади. Ота "Ўғлим миллий ўзликдан узилиб қолмасин" деган хавотирда, бола эса ҳали қилмишларининг оқибатини англайдиган ёшда эмас, қизиқувчанлик туфайли унга-бунга ҳавас қилиб юрибди.

Ажабо, тилимизнинг бундай ўзгариши руҳиятимизнинг ҳам ўзгаришини билдирдими? Асл миллий руҳимиз — шу бугунги руҳимизми ёки ўзгачароқми?

Ушбу саволга жавобни олисдан ҳам, яқиндан ҳам топа оламиз. Бунинг учун ёзувчи Мирқарим Осимнинг халқимизнинг узоқ тарихдан ҳикоя қилувчи "Тўмарис" ва "Широк" асарларига мурожаат этиш кифоя. Мирқарим Осим Тўмарис воқеасини юнон тарихчиси Херодотнинг "Тарих" асаридан, "Широк" ҳикоясини эса Полиэннинг "Ҳарбий хийлалар" китобидан олган. Херодот ҳам, Полиэн ҳам мазкур воқеалар қадимги



Нуктаи назар

она тупроқларимизда бўлиб ўтганини тасдиқлайди. Херодот эрамиздан аввалги 400 — 500 йилларда, яъни бундан қарий икки ярим минг йил аввал, Полиэн эса эрамизнинг иккинчи асрида яшаб ўтган.

Ҳар иккала аждодимиз юртга қўшин тортиб келган ёвга қарши мислсиз қаҳрамонлик кўрсатади: Тўмарис аёл боши билан қудратли Эрон шоҳи Кайхисравни енгган бўлса, Широқнинг бир ўзи бутун бошли қўшинни саҳрода ҳалок қилади.



## «Янги Ўзбекистон: Кучли Иқтисодиёт ва Кучли Маънавият»

Маълумки, жорий йилнинг 19 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ййгилиши бўлиб ўтган эди. Ушбу анжуманда мазкур йўналишдаги фаолият тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кўчатириш масалалари атрафлича муҳокама қилинган эди.

Видеоселектор ййгилиши шаклида ўтказилган ана шу анжуманда давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган: "Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи — маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждодларимизнинг бой мероси, миллий ва умминсоний қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз", деган принципал ёндашув соҳа ривожини янги босқичга кўтаришнинг ҳаётий дастурилами бўлиб хизмат қилмоқда. Айни вақтда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган ййгилишида сўзлаган маърузаларида бу борадаги долзарб вазифалар белгилаб берилди.



Халқ вакиллари — ҳудудларда

МУЛОҚОТЛАРДА ҲАЛ ЭТИЛАЁТГАН МУАММОЛАР

Айни кунларда қуйи палата депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, сайловчилар билан учрашмоқда. Мулоқотларда аҳолини қийнаётган муаммолар билан бирга, табиёт ҳамда таълим муассасалари фаолияти ҳам тегишли масъуллар иштирокда атрофда ўрганилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов Наманган шаҳридаги Мингчинор ва Оромғоқ маҳаллалари фуқаролари билан мулоқотда бўлди. Дастлаб давлатимиз раҳбари раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича ўтказилган видеоселекторда кўтарилган устувор масалалар мазмун-моҳияти тўғрисида тушунча берилди. Шундан сўнг учрашувда фуқаролар ўзларини қийнаётган бир қатор муаммолар билан халқ вакилига муҳоабат қилди. Хусусан, мингчинорлик Мубошер Юсубжонов яшаш шaroитини яхши-

лаш учун амалий кўмак сўради. Бу масала халқ вакилининг назоратида олинди. Муҳаммадқодир Жаҳонгиров спортнинг қўл жанги тури бўйича мураббийлик қилиш мақсади борлиги ва бу борада уни қўллаб-қувватлашни сўради. Ушбу масала ҳам ечим топди. Фўқаро Наманган шаҳридаги "Baby plaza" нодавлат мактабда болаларга ўз махоратини ўргатадиган бўлди. Мулоқотлардан сўнг халқ вакили маҳаллалардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда тадбиркорлик қилиш истагида юрган оилаларни манзилли ўрганди. Ўзаро суҳбат чоғида уларга юртимизда аҳолининг ушбу қатламига кўрса-

талаётган ғамхўрлик, хусусан, аёллар учун тақдим этилаётган имтиёзлар ҳақида тўлиқ маълумот берилди. Худди шу масалада икки нафар муҳоабатчи "аёллар дафтари"га киритилиб, уларни иш билан таъминлаш ҳамда доимий даромадга эга бўлиши назоратга олинди. Урганишлар довомида муддат талаб қилувчи муаммоларни тегишли мутасадди идоралар билан биргаликда бартараф этишга келишиб олинди. \* \* \* Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Иномжон Қудратовнинг Сирдарё вилоятининг Бобўв туманидаги 1-умумтаълим мактабида бўлди. Ўқув муассасасидаги таълим-тарбия жараёни, педагогларнинг дарс ўтатиш технологиялари ҳамда ўқувчилар учун яратилган

шарт-шароитлар билан танишди. Қишининг совуқ кунлари хали тугамаганлиги сабабли мактаб биносини иситиш билан боғлиқ имкониятлар ўрганилди. Хусусан, газ босимининг пастлиги синф хоналарини бир хил ҳароратда иситмаётгани аниқланиб, масалани ечиш чоралари белгилаб олинди. Тумanning Шодлик маҳалласидаги 7-сонли мактабгача таълим ташкилоти фаолияти ва бу ерда йўлга қўйилган таълим-тарбия жараёнлари ҳам халқ вакилининг эътибор марказида бўлди. Болажонлар ва уларнинг ота-оналарини бир муаммо қийнаб келаётгани, яъни муассасага олиб келувчи йўл таъмирталмагандек аниқлиги очикланди. Депутат мазкур масала ечимини ҳам назоратга олиб, тегишли мутасаддилар жалб қилинишини изохлади. Шундан сўнг аҳоли билан мулоқотлар туман ҳокимлиги бино-

сида давом этди. Худуднинг Навоий, Марказ, Ифтихор, Сармич ва Маданият маҳаллалари фуқаролари халқ вакилига ўз муаммо ва тақлифларини баён қилишди. Унда, асосан, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагидаги фуқароларга ер майдонлари ва кредитлар бериш, ишсизлар бандлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар ўртага ташланиб, тегишлилиги бўйича масъуллар кўмагига сўровлар қаноатлантириладиган бўлди. Депутат табиёт муассасаларидаги шaroитлар, мавжуд муаммолар билан ҳам қизиқди. Аниқланган масалалар мутасадди ташкилотлар ва ҳомиёлар ёрдамида тез орада ижобий ҳал этилади. Халқ вакилининг худудлардаги ўрганишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Мушоҳада МУДОФАА ОНГИНИ ТАРБИЯЛАШ

ИНСОННИНГ ҲАҚИҚИЙ ВАТАНПАРВАР БЎЛИБ ЕТИШИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодий ва аждодларимизнинг бой мероси ҳамда миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият. Янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, мана шу иккита мустақам устунга таянамиз. Президентимиз раислигида 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу фикрга алоҳида урғу берилди.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасида ҳам ушбу масала долзарб аҳамиятга эга. Жаҳон миқёсида инқирозли жараёнларнинг кучайиши, ҳарбий хатарларнинг ортиси шaroитида маънавиятимизни юксалтиришдан асосий мақсад — ҳар бир фуқаронинг мудофаа онгини ўстириш билан боғлиқ. Бугунги кун нуқтаи назаридан, у — ўсиб келаётган авлодни демократик жамяят шaroитида хавфсизлигини таъминлаган ҳолда фаолият юритиш ва ҳамкорлик қилишга ўргатиш жараёни сифатида тушунилиши лозим. Зеро, бу онгини тарбиялаш шахс камолотига, инсоннинг ҳақиқий фуқаро ва ватанпарвар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Умуман, мудофаа онгини шакллантириш масаласи нафақат бизнинг, балки барча ривожланган мамлакатлар давлат сиёсатининг муҳим тарқибий қисми ҳисобланади. Жумладан, "Кейинги юз йилликда АҚШ миллий хавфсизлик стратегияси"да мудофаа онгини шакллантиришга бевосита алоқадор ахборот хавфсизлиги масалалари малакали кадрлар муаммосидан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб турибди ва "космос", "ракетага қарши мудофаа", "чет элдан фаолият ва Америка қудратининг ташқири" каби йўналишлардан аввалги ўринга қўйилган. Корея Республикаси ҳукумати эса "XX ва XXI асрлар чегарасида миллий хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат ислохотларини

Хусусан, ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида Амр Темур, Жалолоддин Мангуберди синфларини барпо қилиш ҳамда турли ҳарбий оқруғлар томонидан вилоятлардаги умумтаълим мактабларини оталиққа олиш механизми йўлга қўйилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг топшириги асосида бажарилаётган бу ишлар доирасида ушбу синфларда ҳар икки саркарда тактикасини ўрганиш бўйича қўлланмалар ишлаб чиқилди. Амр Темур жанг санъати тўғрисида дарслик ҳам яратилди. Оталиқ олинаётган мактабларда ўсмирларнинг ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга замон нуқтаи назаридан ёндашилши муҳим. Чунки бугунги кун ёшлар аввалги авлодлардан тубдан фарқ қилади, бугун улар турли маънавий хуруж ва таҳдидларнинг асосий нишонидир. Шунини ҳисобга олган ҳолда, ватанпарварлик тарбияси энг замонавий технологиялар, зарур бўлганда, илмий ёндашув асосида амалга оширилишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу ҳарбийлардан,

Шунингдек, ёшлар мудофаа онги жамятиятнинг умумий ҳолатини ақс эттирувчи омиллардан бири ҳисобланади. Тинчлик даврида ушбу омил доимий хушёрлик ва огоҳликда, Ватан ҳимоясига доимо тайёр туришда намоён бўлади. Айнан шу боис ўсмирларда мудофаа онгини шакллантириш — маънавий ва маърифат жабҳасида олиб борилаётган ишларнинг устувор йўналишларидан бирига айланади.

Сўнгги пайтда дунёда, айниқса, ривожланган давлатларда содир бўлаётган воқеалар бутун жаҳон ҳамжамиятига геосийсий вазият қанчалар бекарор эканлигини кўрсатибди. Бундай шaroитда ҳар бир давлат ўз манфаатлари йўлида мудофаа қобилиятини кучайтиришга мажбур. Мудофаа қудратимизни эса фақат мустақам пойдевор устига қуришимиз мумкин. Ана шу пойдеворнинг номи — ватанпарварлик. У эса фақат маънавий камолот неҳидида шакллантирилиши мумкин. Фарҳод БОҚИЕВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Мулоҳаза БАНДЛИК МАСАЛАСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 27 январь куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш чора-тадбирлари муҳоабаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар ниҳоятда муҳим. Чунки улар бугунги кунимиз, тараққиётимиз учун зарур, ижроси шарт бўлган вазифалардир.

Зеро, мамлакатимизда 30 ёшгача бўлганлар аҳолининг 55 фоизини ташкил этишини инобатга олсак, биз, ёшлар бугунимизни, эртанимизни яратадиган катта кучмиз. Демак, замон билан ҳамнафас, янгича изланмаган, янгича ишлашда таянч бўладиган давлатимиз раҳбарининг қўл-қанотлари бўлишимиз лозим. Видеоселектор йиғилишида эртанимиз эгалари билан ишлаш бўйича янгича тизимни жорий этишда 2 муҳим йўналишни белгилаб олиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Биринчиси — ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш бўлса, иккинчиси — уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишдир. Бунга замонни, бугунги шaroитни ҳисобга олган ҳолда ёндашишни ўрганишимиз керак. Инчунин, пандемия кўпгина режаларимизни ўзгартириб юборган бўлишига қарамай, бизга масофадан туриб ҳам самарали ишлашни ўргатиш қўйни рости. Демак, ўсмирларнинг касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитишга мўлжалланган анъанавий курслар билан бирга, масофавий ўқув курсларини ҳам кўпайтириш бўйича ишлар олиб борилади.

чора-тадбирларни янада фаоллаштириди. Баъзи жойларда ўспиринларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича қурилган объектлар бўш турганлиги, жиҳозлар етишмовчилиги, тўғарақлар ишламаётганилиги ҳам ҳаммага маълум. Бу каби муаммоларни тизимли ҳал этиш, улар билан туман ва шаҳар кесимида ишлаш учун ҳар бир йўналиш бўйича алоҳида мутасаддилар бириктириб берилди. Унга кўра, бандликни таъминлаш масалаларига туман ёки шаҳар ҳокимининг иқтисодиёт, инвестициялар ва қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари, тадбиркорликка йўналтириш бўйича солиқ идораси, савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари раҳбарлари, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга ҳокимининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари маъсул этиб бириктирилди. Шунингдек, йиғилишида уюшмаган ёшлар билан ишлашга ҳам алоҳида тўхталиниб, улар билан туман прокурори, ички ишлар ва мудофаа бўлими раҳбарлари мунтазам шуғулланишлари зарурлиги таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан шу йилнинг ўзига 500 минг нафар йигит-қиз касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитилиб, уларнинг бандлиги таъминлашига эришилаётгани алоҳида таъкидланди. Видеоселектор йиғилишида айтилган ҳар бир масала ва унинг амалий ечимига оид тақлифлар Ёшлар парламенти аъзолари зиммасига ҳам катта маъсулият оқлайди. Чунки жойларда тенгдошларимиз билан учрашар эканмиз, айрим ҳолларда уларнинг муаммосига гувоҳ бўламиз. Улар орасида ташаббускорларни ниҳоятда кўп. Янги бизнес очишга иштиёқи баландлар ҳам талайгина. Селекторда бир неча тизим раҳбарларига белгиланган вазифалар, уларнинг ижросига оид тадбирлар — бизнинг бу борадаги ишчимизни янада осонлаштиради. Ёшлар парламенти мамлакатимиз йигит-қизларини ҳошиш-истаклари минбарига айланиши учун бор куч-ғайратимизни аямиймиз.

Назимхон АБДУЖАБОРОВА, Жлоҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси, Олий Мажлис Сенати хузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.

Жойларда ёшлар саннат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этиш муҳим ташаббуслардан яна бири бўлди. Шунингдек, "Ёшлар: 1+1" дастури орқали уларни тажрибали тадбиркорларга "Устоз — шогирд" анъанаси асосида бириктириб, бизнес кўникмаларини шакллантириш, ўз бизнесини бошлашлари учун йўл-йўриқ кўрсатиш зарур ҳисобланади.

Фикримизча, бандлик муаммоси ёшларни энг кўп қийнаётган масалалардан дидир. Президентимиз таъкидлаганидек, республикамизда 18 — 30 ёшлар орасида расмий ишсизлик 17 фоизга етган. Бу аҳоли орасидаги кўп умумий ишсизлик даражасидан ҳам кўп дегани. Иш билан таъминланиш учун, аввало, зарур билим ва кўникмага эга бўлиш, бунинг учун ўқишга, илм ўрганишга, касб эгаллашга кўпроқ эътибор бериш муҳим ҳисобланади.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ КЕЛИШУВЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содик Сафоев Франция Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиёдаги иқтисодий дипломатия бўйича махсус вакили Паскаль Лоро билан учрашув ўтказди.

Ҳамкорлик

Видеоконференцалоқа форматида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ҳамда Франция ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги суръати ва ривожланиш истиқболлари, сиёсий мулоқот ҳамда парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш имкониятлари, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш тўғрисида фикр алмашилди. Бундан ташқари, "Франция — Марказий Осиё" парламентлараро дўстлик гу-

руҳи фаолияти, иқтисодий ривожланиш, халқаро даражадаги ўзаро ҳамкорлик масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Паскаль Лоро Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар, иқтисодиёт ва бошқа йўналишларда эришилган натижалар ҳамда барча соҳани модернизация қилиш йўлидаги ишончли қадамларни юқори баҳолади. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябр ойида Францияга амал-

га оширган расмий ташрифи доирасида эришилган уч ярим миллиард евролик келишувларга асосан Ўзбекистонда энергетика, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, инфратузилмани такомиллаштириш каби йўналишларда 17 та лойиҳа амалга оширилишининг бориши ва келгусидаги режалар атрофида кўриб чиқилди. Франция билан иқтисодий ҳамкорлик мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва унинг тармоқларини ривожлантиришга кўмаклашиши таъкидланди. Учрашувда томонларнинг манфаатларига дахлдор халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

ИЖТИМОЙ ҚОРХОНАЛАРГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ?

Қонунчилик палатасида бир қатор қонун лойиҳалари устида фаол иш олиб боришмоқда. Чунончи, қуйи палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан "Ижтимоий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёни қизғин давом этапти.

Қонун лойиҳаси — муҳоамада

Бугунги кунда давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида тизимли ижтимоий ҳамкорликнинг самарали механизмидан фойдаланиш зарур ҳисобланади. Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари учун иш ўринлари яратиш, ноғиронлиги бўлган шахсларга, маъсул ҳамда асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган қорхоналарга солиқ ва бошқа турдаги имтиёзлар белгиланган. Лекин ижтимоий тадбиркорликнинг ҳуқуқий тушуначиси ҳамда унга оид муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш механизми назарда тутилмаган.

Ижтимоий қорхоналарга бир қатор имтиёз ва преференциялар тақдим этилиши ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Солиқлар ҳамда бошқона тўловлари бўйича енгилликлар жорий қилиш, давлат мулки объектларини ёки уларга бўлган мулкчи ҳуқуқларни имтиёзли ёки "ноль" қийматда бериш, давлат биюортмулкларига тўғридан-тўғри шартномалар қорхонага ижтимоий товарларни реализация қилиш ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш, молиявий ҳамда солиқ ҳисоб-тобелирини соддалаштирилган тартибда юритиш қабилиар шулар жумласидан.

Шунингдек, ижтимоий тадбиркорлик паст даромадли фаолият тури бўлганили сабабли, унинг субъектларига қўшимча преференцияларни ҳам тақдим этиш қўзда тутилган. Қолаверса, амалдаги қонунчиликка кўра, реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан ортиқлиги шарт. Шунинг учун ижтимоий қорхоналарга ушбу ҳажм доирасида ижтимоий товарлар ва хизматларни реализация қилиш бўйича имтиёзлар тақдим этилиши мумкин.

Лойиҳада тегишли мезонлардан бирига ёки бир нечтага мос келган тадбиркорлик субъектлари ёки нотижорат ташкилотларини ижтимоий қорхона сифатида унинг реестрига киритиш белгилашди. Ижтимоий қорхоналар реестрига киритилган ташкилот ўтган молия йилида олинган фонднинг камидан учдан икки қисмининг кейинги молия йили давомида ижтимоий қорхонанинг фаолиятига ёки ижтимоий лойиҳаларга реинвестицияга йўналтирилиши лозимлиги ҳам қонун лойиҳасида назарда тутилган.

ЧОРВАЧИЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМАЙ ТУРИБ, НАРХ-НАВОНИ ПАСАЙТИРИШ БЎЛМАЙДИ

Барчамизга ёнқи, байрамлар, халқ сайиллари ёки айёмлар муносабати билан гўшт, туҳум, картошка, қўйинги, халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларнинг арзонлаштирилган савдоси ташкил этилади. Тўғри, ярмаркада аҳолига мақбул нархларда савдо хизмати кўрсатилади. Аммо бу билан биз ҳеч қачон зарурий маҳсулотлар нархини тушира олмаймиз. Бунинг асло иложи йўқ.

Фикр

Хўш нима учун шундай? Чунки етиштирилаётган маҳсулот таннархи қиммат бўлса, уни мажбуран пасайтириб бўлмайди. Бу бозор иқтисодиётининг энг муҳим шарти ҳамда тамойили. Шундай экан, аввало, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини арзон нархда етказиб бериш, бозорларда

нархнинг пасайишига эришишнинг бирдан-бир йўли — чорвачиликни қўллаб-қувватлаш, соҳага замонавий ва инновацион услубларни жорий этишга жиҳдий эътибор қаратишдир. Ҳужжатда белгилаб берилган муҳим вазифаларни ҳаётимизда кенг татбиқ этиш зарурлиги юзасидан депутатлар фикрлари тингланди. Мақсад — мамлакатимизда чорвачилик соҳасини янада ривожлантириш экан, бу борада давлат раҳбарининг мазкур қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда Наманган вилоятида ўзим гувоҳи бўлган аниқ мисолларни, яъни фермер хўжалиқлари муаммоларини айтиб ўтмоқчиман. Маълумки, чет элдан зотдор, сўт ва гўшт йўналишидаги насли қорамоллар олиб ке-

линяпти. Лекин бу жараёнда қўшимча қиймат солиғи тўлаш фермер учун жуда қийматга тушмоқда. Тўғриси, бу ишлаб чиқарилаётган гўшт ҳамда сўт маҳсулотлари таннархининг ортишига ҳам сабаб бўляпти. Тақлимим шундан иборатки, чет элдан насли қорва моллар олиб келишда фермерларга енгиллик берилса, улар қўшимча қиймат солиғидан озод қилинса, соҳа ривожига ижобий таъсир ўтказса, деб ҳисоблайман. Шу билан бирга, замонавий қорва моллари комплексларини қуриш учун ер майдонлари ажратилмагани таасуфланарлидир. Ажратилган ер эса озукда етиштирилмаган экан майдонларидан жуда олисда. Шу боис қорва моллари сонидан келиб чиқиб, 100 бош қорва молга ёки ундан кўпроққа мўлжалланган қорва комплексларини озукда экинлари етиштириладиган экан майдон-

ларига яқин худудларда барпо этиш орқали техника харажатлари ҳамда нобудгарчиликнинг олдини олиш мумкин. Чорвадор фермерларни қийнаётган яна бир катта муаммо шундаки, қорва озукаси (буғдой, кепак, кунжара) қиммат, рацион етишмайди. Қорва молларини фақат маккажўхори силоси билан боқиш яхши самара бермайди. Қорамолларга кўпроқ беда, сенаж каби озукалар бериш керак. Бунинг учун эса камидан 1 бош қорва молга 0,5 гектардан кўпроқ ер ажратилса ва бу ерларда беда, арпа, буғдой аралаштириб экилса, дон учун буғдой, маккажўхори парваршиланган, ишонамизки, қорва озукаларининг нархи кескин пасаяди.

Борно МИРЗАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ТРАНСАФОН ТЕМИР ЙЎЛ:
ЕВРОПА ВА ОСИЁНИ
БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси делегацияси Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазир...

Томонлар лойиҳанинг дастлабки техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш, лойиҳа-олди тадқиқотларини молия...

Шу бундан қатор олий ва юқори даражадаги музокара ва келишувлар якуни бўйича Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон раҳбарлари томонидан 2020 йил 29 декабрда йирик халқаро молиявий тузилмаларга йўлланган, Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши лойиҳасини қўллаб-қувватлаш тақдирини билдирилган қўшма муносабатнинг антиқий довомидир.

Бундай вазиётда Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши лойиҳасини қўллаб-қувватлаш тақдирини билдирилган қўшма муносабатнинг антиқий довомидир.

Иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш ва Марказий Осий минтақаси давлатларининг барқарор ривожланишини таъминлашда стратегия аҳамиятга эга бўлган Трансафтон темир йўли лойиҳасининг амалий жиҳатлари айтиб берилади.

Лойиҳа Марказий Осий мамлакатларининг иқтисодий ўсишини таъминлаш, минтақавий алоқаларни кенгайтириш ва ишторқил давлатларининг транзит салоҳиятини тубдан юксалтириш нуктаи назаридан ўта муҳим аҳамиятга эга. Энг муҳими, бу жараёнда, яъни минтақа мамлакатлари интеграциясини ривожлантиришда Ўзбекистоннинг кенг қўллаб-қувватлаш, савб-ҳаракати Афғонистон ва Покистон томонидан юксак даражада эътибор қилинади.

Бугунги кунда мазкур лойиҳани биргалликда амалга оширишга Жаҳон банки, Осий тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Ислон тараққиёт банки, Осий инфра-тузилмалар инвестициялар банки, АҚШ Халқаро тараққиёт молия корпорацияси томонидан катта қизиллик билдирилган. Анжуманда мазкур халқаро тузилмалар номидан ишторқил этганлар лойиҳанинг муҳимлигини кайд этди. Ўзбекистоннинг мазкур лойиҳани илгари суриб буйича қатъий савб-ҳаракатлари қўллаб-қувватланди.

Лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этилиши, шунингдек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўн минглаб янги иш ўринлари очиб ва ётқизиладиган темир йўли бўлиб мис, қалай, қўроғиш, темир рудаси, мәрмар, гранит, травертин каби кўпгаб фойдаланиладиган қазилмаларнинг бой захирасига эга ерларни ўзлаштириш учун шарт-шароит яратиш орқали ушбу мамлакатнинг иқтисодий ҳаётдан ўсишга эришишида беқийёс аҳамият касб этади.

Пойтахтимизда ўтган кўп томонлама музокаралар якуни бўйича янги темир йўлини барпо этиш учун қўшма халқаро экспедиция ташкил қилиш, геодезия, гидрогеология ва топография тадқиқотлари олиб боришни назарда тутувчи биргалликда чора-тадбирлар режаси ("Йўл харитаси") тасдиқланди.

Гайрат ХОННАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

Таълим
МОНОМАРКАЗЛАРДА
ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН
КАСБЛАР ҲАҚИДА
ЎРГАТИЛАДИ



Наманган вилоятининг барча туманида мономарказлар очилди. Улар ишсиз ва эҳтиёжманд фуқароларни замонавий касб-хунар ҳамда ишбилармонлик кўникмаларига ўқитиш, доимий даромд келтирадиган ишга жалб қилиш орқали бандлигини таъминлашга йўналтирилган.

Бунда асосий эътибор меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар, тадбиркорлик асослари ва хорижий тилларга ўқитишга қаратилади.

Масалан, Уйчи туманидаги 1-касб-хунар мактабида ташкил этилган шундай марказда иссиқхона ишчиси, ошпаз, қандолатчи, пайвандловчи, аёллар сартароши, тикувчилик, ҳайдовчилик, электромонтёр, хорижий тиллар, шинамонтаж, бухгалтерия, компьютер графикаси, автомобилларни таъмирлаш каби ўнлаб йўналиш ҳамда мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланади.

Бундан ташқари, пайвандловчи, аёллар сартароши, тикувчилик, ҳайдовчилик, электромонтёр, хорижий тиллар, шинамонтаж, бухгалтерия, компьютер графикаси, автомобилларни таъмирлаш каби ўнлаб йўналиш ҳамда мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланади. Бу ерда дастлабки босқичда тўртта йўналишда 110 нафар ишсиз фуқаро бепул ўқитилди. Улар уч ой давомда стипендия билан таъминланиб, битиргандан сўнг сертификат берилди.

Худди шундай марказ Уч-қўрғон туманида ҳам очилди. Бу ерда тикувчилик, қандолатчилик, новвойлик, асаларчилик, чилангарлик, инглиз ҳамда рус тили йўналишлари ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 134 нафар аёл ҳамда ёшлар таҳсил олмоқда.

Норин туманидаги 1-касб-хунар мактабида йўлга қўйилган мономарказда эса хорижий мамлакатларга ишлаш учун кетаётган фуқаролар

Шу тумандаги Шаҳрихончек маҳалласида фаолият йўлга қўйилган Уч-қўрғон касб-хунарга ўқитиш марказида 11 йўналиш бўйича 3 ойлик қисқа муддатли ўқув курслари ўтатилади. Қуни кеча ушбу ўқув марказининг 100 нафар битирувчисида дастлабки сертификатлар топширилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ («Халқ сўзи»).

АЁЛ ЭЪЗОЗ ТОПСА, ЖАМИЯТ БАРҚАРОР

Аёлга эҳтиром — миллат ва давлатнинг ўз келажаги, эртанги кунига муносабати кўзгуси. Жаҳолат ҳар доим разолатга, маърифат эса тараққиётга туртки берган. Қисқа айтганда, жамиятнинг хотин-қизларга кўрсатаётган ғамхўрлиги улғайиб келаётган авлод садоқати, меҳнати, фароғати ва фидокорлиги бўлиб қайтади.

Долзарб мавзу

Ҳазрат Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарига аёлларга "Мувофиқ тушса қадбону, давлат ва жамиятга бўлмоқдур ҳамзону", дея таъриф беради. Яъни қадбону — уй бекаси рисоладагидай бўлса, давлат ва жамият билан ёнма-ён, елкама-елкадир.

олиш учун яратилган имтиёзлар асосида жорий ўқув йилида қарий 30 нафар хотин-қиз тавсиянома бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Хуллас, гендер тенглик масаласи кеча ёки бугуннинг гапи эмас. Шунга қарамай, инсоният ҳали ҳам жамиятда аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни камситишнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш, ижтимоий фаоллигини ошириш борасида бош қотириб келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 апрелдаги қарорига мувофиқ, ўтган йили оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган 43 нафар аёлга арзон уй-жойлар ажратилиб, Хотин-қизларни ва оила-қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ушбу кўчмас мулк қиймати тўловининг 10 фоизи бошланғич бадал сифатида тўлаб берилгани ҳам кўпгаб оилаларга қувват ва кўтарилиш руҳ бахш этди, дейиш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилётган кенг қўламли янгиланишлар ушбу долзарб масалани ҳам мураккаб янги мезонда ўрганиш, мавжуд муаммоларни бартаараф этишни тақозо қилмоқда.

Давлатимиз томонидан нозик хиёлат эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар изчил олиб боришмоқда. Уларни санаб, узоқ давом эттириш мумкин. Бироқ жамиятда аёлга муносабат асрий анъаналаримиз ва қадриятларимиз даражасида юксалдими?

Президентимиз парламентга йўллаган Мурожаатномасида аёлларнинг ўрни ҳамда маъқули янада мустаҳкамлаш ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлади.

Тан олиш керак: жамиятимизда хотин-қизлар муаммоларининг юзага келиши сизу бизнинг ушбу жинс вакилларига муносабатимизга бевосита боғлиқ.

Касбаба уюшмалари Федерацияси бошчилигида мутасадди идоралар, банклар ва ҳокимликлар томонидан жойларда уйма-уй юриб, 6 миллиондан зиёд хотин-қизларнинг муаммолари пухта ўрганилгани, натижада биринчи марта жойларда ҳақиқий ахвол юзага чиққанлигини кайд этди.

Фермер таншишдан чопиқда эркаклар қатнашмаслигининг сабабини сўрасам, "Улар биз берадиган пулга келмайди", деган жавобни аштитдим.

Мазкур масалада Навоий вилояти бўйича сўз кетса, нозик жинс вакилларининг оғирини енгил қилиш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилгани кўзга ташланади. Жумладан, "аёллар дафтари" шакли

Тўриси, алам қилди: қачонгача аёлларнинг юмшоққўнглигидан, уларнинг болам-чақам, оилам деб ўзини ўққа-чўққа уришидан ўз манфаатларининг йўлида фойдаланамасми?!

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада ҳаётни ва аёллар муаммоларини яхши биладиган, фаол ва ташаббускор опасингилларимиздан иборат Республика Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашини ташкил этишни тақдир қилгани ҳам уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларга янги имкониятлар яратиш бўйича навбатдаги дадил қадам бўлди.

Ахир юз эллик — икки юз кун пахта даласида кетмон кўтарган аёл арзон ишчи кучи бўлиб қолаверар экан, гендер тенглиги хусусидаги кўрсаткичларимиз ҳақиқий ахволни ифода эта олмайди...

лантирилиб, уларни қийнаётган кўпгаб ижтимоий-иқтисодий мушкулотларга амалий ечим топилмоқда. Юртимизда олий маъмулот

Бундай хунук ҳолатларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартаараф этиш учун қонунчилигимизни янада такомиллаштиришимиз, уларни халқаро меъёрларга мослаштиришимиз керак.

ЭЪЛОН
Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатиغا!

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ректорати 2020/2021 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари асосида иш жойларига тақсимлаш жараёни бошланганлигини маълум қилади. Университетнинг замонавий билимларни мукамал ўзлаштирган битирувчи бакалавр ва магистрларига эҳтиёжи бўлган корхона раҳбарларидан битирувчиларга келгусидаги иш жойини танлашда кўмаклашиш мақсадида уларга яратиб берилиши мумкин бўлган имкониятлар (маош, тураржой билан таъминлаш ва бошқа имтиёзлар) ҳақида университет раҳбариятига жорий йўналиш 15 мартга қадар талабнома ҳамда сўров хати билан мурожаат қилишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини 2020/2021 ўқув йилида битираётган бакалавр ва магистрлар ҳақидаги маълумотлар: (Г-давлат гранти асосида, ш-шартнома асосида): маълумот учун телефонлар: 90-178-45-70, 95-004-80-40. Манзил: 100138, Ташкент шаҳри, Кичик халқа йўли, Г9-«А» мавзеси, 21-уй.

Table with columns for Faculty (Факультет), Department (Биримлик), Language (Тил), and Number of students (Ўқувчилар сони). Rows include departments like Шаҳар (туман) ва вилоятлар, Яқасарой, Шайхонтоқур, Учтепа, Юнусовола, Сирғали, Чилонзор, Янгибоб, Миробод, Мирзо Улуғбек, Олмазор, Бектемир, and various regional departments like Андижон, Бухоро, Жиззах, Наманган, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси.

Телур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»).

